

Францияда Куръони Карим тажвиди ва тиловатини ўрганиш бўйича ўкув машғулоти ўтказилади

Куръони Карим тажвиди ва тиловатини ўрганиш бўйича ёзги ўкув машғулоти Франция Исломий тадкикот ва фанлар институти (IFESI)нинг ташаббуси билан ўтказилади. «ifesi» ахборот сайти хабар беришича, мазкур ўкув машғулотлари июль ойининг бошидан бошланади ва унинг иштирокчилари хафтада саккиз соат Куръони Карим бўйича етук устозлар олдида Куръони Карим тиловати ва тажвидининг усулларини ўрганишади.

Бундан ташкари, агар бу ўкув машғулотлари фукаролар ва мусулмон талабалар томонидан яхши кутиб олинса, Франция Исломий тадкикот ва фанлар институти (IFESI) унинг муддатини бир хафтада 15 соатгача узайтиришни режалаштирмокда.

Ташкилотчиларга кўра, бу ёзги машғулотлар Куръон ўкувчиларининг талаби билан шанба ва якшанба кунлари ёки душанбадан жумагача ўтказилади